

Ғаниматли дамлар



18:40 / 10.06.2017 5721

Рамазон ойи ойларнинг энг фазилатлисидир. Рамазоннинг охириги ўн кечаси Зулҳижжа ойининг илк ўн кечасидан кўра фазилатлироқдир. Чунки ушбу кечаларда Қадр кечаси бордир. Зулҳижжа ойининг илк ўн кунининг кундузлари Рамазон ойининг охириги ўн кунининг кундузларидан афзалдир. Чунки уларда Қурбон байрами бордир. Жумъа куни ҳафта кунларининг энг фазилатлиси бўлса, Қурбон байрами куни йил кунларининг энг фазилатлисидир. Қадр кечаси эса, йил кечаларининг энг фазилатлисидир.

Қадр кечасининг фазилати

Қадр кечаси қадри улуғ бўлган кечадирки, унда ҳар бир ҳикматли, аниқ ишлар ажратилиб, ҳал қилинади ва ўша йилдаги ризқи рўзлар, ажаллар ва воқеаю ҳодисалар белгиланади.

Қадр кечаси Рамазоннинг охириги ўн кечасининг тоқ кечаларида бўлади, деб умид қилинади. Янада таъкидлироғи, йигирма еттинчи кечадир.

Аллоҳ таоло бандалар кўпроқ ибодат қилсинлар ва кўпроқ ажру савобга эга бўлсинлар, дея худди жумъа кундаги дуолар мустажоб бўлган вақтни яширгани каби Қадр кечасини Рамазоннинг охириги кечаларига яширди.

Қадр кечасининг хусусиятлари

Қадр кечаси минг ойдан, яъни 83 йилу, 4 ойдан ҳам яхшироқдир. Шундай экан, бу кечани ибодат, зикр, истиғфор, дуоларни кўпайтириш билан бедор ўтказиш, ихё қилиш мустаҳабдир.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Албатта Биз у (Қуръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик. Қадр кечаси нима эканлигини сенга нима билдирди? Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. «Қадр» Унда фаришталар ва Рух Роббларининг изни билан барча ишлар учун тушадир. У то тонг отгунича салом бўлиб турадир» *(Қадр сураси, 1–5-оятлар)*.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Ким Қадр кечасини иймон билан ва Аллоҳ таолодан савоб умид қилиб, ибодат билан бедор ўтказадиган бўлса, ўтган гуноҳлари кечириб юборилади» *(Муттафақун алайҳи)*.

Оиша розияллоҳу анҳо: «Эй Аллоҳнинг расули! Агар Қадр кечасига мувофиқ келсам, нима деб дуо қилай?» деди. У зот: «Аллоҳумма иннака афуввун туҳиббул афва, фаъфу анний» (Эй Аллоҳ, Сен кечиришни яхши кўрадиган кечиримли Зотсан, мени кечиргин!) дегин», дедилар *(Аҳмад ва Ибн Можа ривояти)*.